ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

4 апрель, шанба 1998 йил №39 (541)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

*2-бетда*

ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛИНГ!

*3-бетда*

ТВ ДАСТУРИ

*4-бетда*

МУРОСАСИЗЛИК ОМИЛИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари,

Азиз қардошим,

Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Сиз Зоти

Олийларига самимий табрикларимни билдириб, шу фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Зоти Олийларига саломатлик ва бахт-саодат, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик тилаб, энг яхши ниятларимни изҳор этаман.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия Жумҳурияти Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари,

Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Туркия Жумҳурияти ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз Зоти Олийларига табрикларимни ҳамда эзгу тилакларимни изҳор этаман.

**Месут ЙИЛМАЗ,**
**Туркия Жумҳурияти Бош вазири**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муқаддас Ийд ал-Адҳа муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини чин юракдан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва биродар мамлакатингиз халқига ривож тилайман.

**Зоид бин Султон ол НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муқаддас Ийд ал-Адҳа муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини чин юракдан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва биродар мамлакатингиз халқига ривож тилайман.

**Мактум бин Рошид ол МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти ва Бош вазири**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муқаддас Ийд ал-Адҳа муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини чин юракдан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва биродар мамлакатингиз халқига ривож тилайман.

**Султон бин Зоид ол НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 апрел куни Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки ижрочи директори Вилгелм Ягги раҳбарлигидаги мазкур банк Директорлари Кенгаши делегациясини қабул қилди.

- Сизнинг мазкур ташрифингиз ўзаро алоқаларимизнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир,- деди Ислом Каримов.- Гарчи ташкилотингиз Ўзбекистон ҳақида кўп маълумотга эга бўлса- да, мамлакатимизда кечаётган жараёнлар, амалга оширилаётган ишларнинг бевосита гувоҳи бўлиш сиз учун катта имкониятдир. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзалроқ, деган гап бежиз айтилмаган. Шу маънода, мазкур ташриф ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида муҳим аҳамият касб этажаги шубҳасиз.

В.Ягги Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. ЕТТБ Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонни энг муҳим ҳамкор санайди. Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, асосан, минерал хомашё ресурсларини ўзлаштириш ҳамда қайта ишлаш, энергетика комплекси, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, молия тармоғи, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, шу кунгача келишилган лойиҳаларнинг амалга ошиш жараёни, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг раиси Р.Азимов иштирок этди.

/ЎзА/

## ВАЗИРЛИКДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки директорлари кенгаши делегацияси аъзолари макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ташриф буюрди.

Бош вазир ўринбосари, мазкур вазирлик раҳбари Б.Ҳамидов меҳмонларга Ўзбекистон иқтисодиётида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳамда вазирлик доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Делегация раҳбари В.Ягги Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор қилди. Учрашувда мазкур халқаро молиявий ташкилот билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар, истиқболдаги режалар, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

/ЎзА/

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ

### Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 30 мартдаги Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:

1. Қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

а/ «Пилла-холдинг» холдинг компанияси бўйича:

пиллачилик корхоналари ва ташкилотларининг тут ипак қуртининг маҳсулдор турларини ҳамда дурагайларини яратиш ва жорий этиш, сифатли ипак қурт уруғи етиштириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

сифатли пилла етиштирилишини ва тайёрланишини, рақобатбардошли пилла хом ашёси ва ипак калава олиш учун уларни дастлабки қайта ишлашни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини ва деҳқон хўжаликларини тут қаторлари ва майдонларини сақлаб қолганлик ва кенгайтирганлик учун рағбатлантириш;

қуруқ пиллани, пилла хом ашёси ва ипак калавани товар маҳсулот сифатида шартнома асосида истеъмолчиларга - «Шойи» акциядорлик компаниясининг шойи тўқиш фабрикаларига ҳамда экспортга сотишда корхоналарга кўмаклашиш;

пиллакашлик ва ипак калава ишлаб чиқаришларининг илғор технологияларини жорий этиш соҳасида ягона техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

б/ «Шойи» акциядорлик компанияси бўйича:

шойи тўқиш корхоналарининг юқори сифатли соф ва аралаш шойи газламалар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятин мувофиқлаштириш;

шойи тўқишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш ва кенгайтириш бўйича корхоналарга кўмаклашиш;

шойи тўқиш ишлаб чиқариши тайёр маҳсулотини сотиш бозорларини кенгайтириш, экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

корхоналар акцияларини, шу жумладан хорижий инвесторларга эркин сотиш, хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан шойи тўқиш тармоғида инвестициялар ўсишини таъминлаш.

2. Қуйидагилар:

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхати, холдинг компаниянинг бошқарув аппарати тузилмаси, унинг худудий акциядорлик бирлашмалари намунавий тузилмаси;

«Шойи» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхати ва унинг бошқарув аппарати тузилмаси;

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

3. «Ўзбек ипаги» уюшмаси раҳбарлари, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси раиси ва «Шойи» акциядорлик компанияси раиси /улар лавозимига кўра «Ўзбек ипаги» уюшмаси раисининг ўринбосарлари ҳисобланадилар/ муассисларнинг умумий йиғилишида сайланадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тасдиқланадилар.

Мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра уюшма раиси Ўзбекистон Республикаси вазирига, унинг биринчи ўринбосари - вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари - вазир ўринбосарларига тенглаштирилсин.

«Пилла» худудий акциядорлик бирлашмалари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан келишган ҳолда «Пилла-холдинг» холдинг компанияси бошқаруви қарори билан лавозимга тайинланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда:

«Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси билан биргаликда янгидан хусусийлаштириладиган ипакчилик корхоналари мол-мулкини баҳоласин ва илгари давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар мол-мулкини қайта баҳоласин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740 ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора- тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1939 Фармонига мувофиқ ипакчилик соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш, янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари акциялари тўрт пакетини тақсимлаш ҳамда мавжуд акциядорлик жамиятлари акцияларини қайта тақсимлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. Бунда эркин сотишга мўлжалланган акцияларнинг муайян қисми қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга сотилишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» ва «Шойи» компаниялари, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда «Атлас» /Наманган шаҳри/, «Марғилон ипаги» /Марғилон шаҳри/ ва «Хоразм ипаги» /Урганч шаҳри/ акциядорлик жамиятларида пиллакашлик, ипак калава ишлаб чиқаришлари ва шойи тўқиш фабрикаларини ажратсин ва уларни белгиланган тартибда мустақил акциядорлик жамиятлари сифатида рўйхатдан ўтказсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси томонидан таъсис этилади. Уюшма устав жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги тугатилаётган «Пилла» уюшмасининг мол- мулки ва «Шойи» акциядорлик компанияси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва уюшма бошқа қатнашчиларининг таъсис бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилади;

«Шойи» акциядорлик компаниясининг устав жамғармаси унга акциядорлик жамиятлари /шойи тўқиш корхоналари/ акцияларининг давлат пакетларини траст бошқарувга бериш ҳамда компания бошқа қатнашчиларининг таъсис бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

«Пилла-холдинг» холдинг компаниясининг устав жамғармаси унга «Пилла» худудий акциядорлик бирлашмалари акцияларининг назорат пакетларини траст бошқарувга бериш ҳамда холдинг компанияси бошқа қатнашчиларининг таъсис бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

«Шойи» акциядорлик компанияси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ҳамда «Пилла» худудий акциядорлик бирлашмалари улар таркибига кирувчи давлат корхоналарини ва акциядорлик жамиятлари бўлган корхоналарни ушбу корхоналарнинг уларнинг траст бошқарувига берилган акциялари пакетларига мувофиқ бошқарадилар.

6. Белгилансинки:

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси ўз акцияларини эркин, шу жумладан хорижий инвесторларга, компаниялар таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларининг сотилмаган ва компанияларга берилган улушлари ҳамда уюшган аъзоларнинг таъсис бадаллари миқдорида сотадилар;

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси акцияларини сотишдан олинган маблағлар 1999 йил 1 январгача бўлган даврда компаниялар ихтиёрида қолдирилади ва компаниялар корхоналари ва ташкилотларини реновация қилиш ҳамда улар маҳсулотини янгилаш учун фойдаланилади;

компанияларнинг траст бошқарувига берилган, тегишли компаниялар таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг 25 фоизи миқдоридаги акциялар давлат пакетлари дахлсиз ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорисиз хусусий мулк қилиб сотилмайди;

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Пилла» худудий акциядорлик бирлашмалари шўъба корхоналар бўйича йиғма баланслар тузатилади.

Айланма маблағларни тўлдириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари шўъба корхоналарнинг бюджет ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлардан бўш молиявий маблағларини шартнома асосида қайта тақсимлаш ҳуқуқига эгадирлар.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва унинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, «Шойи» акциядорлик компанияси хўжалик фаолиятини, шу жумладан уларнинг бошқарув аппаратлари ҳаражатларини маблағ билан таъминлаш уларнинг ўз хўжалик фаолияти, хизматлар кўрсатиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади;

«Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги тугатилаётган «Пилла» уюшмаси томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади, «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари эса тугатилаётган Қорақалпоғистон Республика «Пилла» уюшмаси, Пиллачилар ширкатларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашлари ҳамда «Андижон ипаги», «Хон атлас» ва «Кумуш тола» акциядорлик компанияларининг ҳуқуқий ворисиси ҳисобланадилар, уларнинг шойи тўқиш корхоналарининг шартномалари ва мажбуриятлари бундан мустасно;

7. «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин, унга:

тут ипак қурт уруғи етиштиришнинг юқори самарали технологияларини ўрганиш ва жорий этиш;

ипак уруғи қурти етиштириш, пилла хом ашёси, ипак калава ҳамда соф ва аралаш шойи газламалар ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш;

ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маҳсулотларни ички истеъмолчиларга ҳамда экспортга сотиш жараёнида ипакчилик барча қатнашчиларининг тенг иқтисодий манфаатдорлигини таъминловчи тармоқ инфратузилмасини яратиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш юклансин.

Уюшма таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акциялари давлат пакетларидан олинган дивидендлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа молиявий тушумлар «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда Жамғарма маблағларини жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. «Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси уставларини ишлаб чиқсин;

икки ой муддатда таъсис мажлисларини ўтказсин, уставларни тасдиқласин, кузатувчи кенгашлар ташкил этсин ва «Пилла-холдинг», «Шойи» компаниялари ҳамда янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари устав жамғармаларини шакллантирсин.

9. «Ўзбек ипаги» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда корхоналарни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига, техника билан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

10. «Ўзбек ипаги» уюшмаси Жиззах вилояти ҳокимлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Ниссё Иваи Корпорэйшн» компанияси /Япония/ билан суперэлита, элита ва саноат ипак қурт уруғи етиштириш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Белгилансинки:

«Пилла-холдинг» холдинг компаниясининг ипак қурт уруғи етиштирувчи, пилла тайёрловчи ва уни дастлабки қайта ишловчи корхоналарига қишлоқ хўжалиги корхоналари мақоми татбиқ этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари тутзорлар ва тут қаторларининг сақлаб қолиниши ва кенгайтирилиши учун жавоб берадилар.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли тижорат банклари, ташкилотлар ва корхоналар «Ўзбек ипаги» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда компания хўжалик юритувчи субъектларининг бюджетга тўловлар, кредитлар ва бошқа молиявий мажбуриятларга, шунингдек, улар бўйича пенялар ва фоизларга оид қарзларини белгиланган тартибда қайта расмийлаштирсинлар.

13. «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчасидаги 62-уйга жойлаштирилсин, ушбу бино тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланиш учун «Ўзбек ипаги» уюшмаси балансига берилсин.

14. Мазкур қарорни бажариш билан боғлиқ бўлган ишларни мувофиқлаштириш учун ишчи комиссия тузилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 февралдаги 28-сон ва 1996 йил 26 июлдаги 268-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 апрель

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Россия Федерациясининг ҳисоб-китоблар Палатаси мамлакат Молия вазирлиги фаолиятида қатор камчиликлар мавжудлигини аниқлади. Маълум бўлишича, Россия Молия вазирлиги давлат бюджети билан боғлиқ бир қанча ҳужжатларни ноқонуний равишда қабул қилган. Молия вазирлиги шу йўл билан кўпгина тижорат банкларига бюджет ҳисобидан умумий қиймати 2 триллион рубл миқдорида маблағ ажратган экан.**

* * *

Греция расмийлари Сербияга қарашли Косово ўлкаси атрофидаги можаролар тинч йўл билан ҳал қилиниши керак, деб ҳисоблайдилар. Греция Республикаси раҳбариятининг баёнот беришича, серб ҳукумати Косово албанлари билан музокаралар бошлаши керак. Шунингдек, Греция ҳукумати Косово ўлкасига мухторият мақоми берилиши кераклигини таъкидламоқда.

* * *

**Германия канцлери Гелмут Колнинг фикрича, ягона Европа валютасининг муомилага чиқарилиши белгиланган муддатда, яъни 1999 йилнинг 1 январида содир бўлиши керак. Гелмут Коль Германия парламенти — Бундестаг мажлисида сўзлаган нутқида ягона Европа валютаси Европа ҳамжамияти аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиради, деб таъкидлаган.**

* * *

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги пиёдаларга қарши миналарни тугатиш халқаро ҳаракати жамғармасига 750 минг доллар маблағ ўтказишга қарор берди. Бугунги кунда Буюк Британия жаҳонда пиёдаларга қарши миналарни йўқотиш ҳаракатини энг кўп қўллаб-қувватлаётган давлат саналади. Буюк Британия Халқаро тараққиёт агентлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пиёдаларга қарши миналарни йўқотиш бўйича дастурини амалга ошириш ишларига ҳар йили 16 миллиард доллар маблағ ажратишга қарор қилган.

* * *

**Латвия пойтахти Ригадаги яҳудийлар ибодатхоналаридан бирида кучли портлаш рўй берди. Портлаш оқибатида ибодатхона атрофидаги уйлар ҳам зарар кўрган. Бахтли тасодиф билан қурбонлар бўлмаган. Рига шу йилнинг ўзида яҳудийлар ибодатхонасида учинчи бор портлаш рўй берган.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус экспертлар гуруҳи президент Саддам Ҳусайн саройларини текшириш ишларини ниҳоясига етказди. Экспертлар гуруҳи Ироқдаги саккизта президент саройларини текшириб чиқди. Маълумки, бу саройлар ҳарбий объектлар сифатида фойдаланилаётгани гумон қилинаётган эди.

* * *

**Италия парламенти машҳур олим Луиджи Дибэлла кашф этган хафақон (рак) хасталигига қарши янги дорини шифохоналарда қўллашга рухсат берувчи қарор қабул қилди. Олим ўзининг янги дорисини бундан 20 йил олдин кашф этган бироқ Италия ҳукумати дори ҳаёт учун хавфли бўлиши мумкин, деган мулоҳазада уни хасталарга қўллашга рухсат бермаётган эди. Парламент қарорида айтилишича, Луиджи Дибэлла яратган дори хафақон билан хасталанган кишининг ўзи розилик берган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.**

*Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида*

*Халқаро шарҳ*

# МУРОСАСИЗЛИК ОМИЛИ

Яқин Шарқ минтақасида мана, ўттиз йилдан ошдики, ҳамон Исроил-Фаластин можаролари давом этмоқда. Яқин Шарқдаги кескин сиёсий вазиятга бир томондан Исроил ҳукумати ўз қўшинларини араб ерларидан олиб чиқиб кетишга рози бўлмаётгани, иккинчи томондан эса, Фаластиндаги ислом террорчилари яҳудийларга қарши ҳужумлар уюштириб тургани асосий омил бўлмоқда. Икки томоннинг ўзаро муросасизлиги юзлаб кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг Исроил-Фаластин можароларини тинч йўл билан бартараф этиш йўлидаги уринишлари эса бефойда бўлмоқда. Сабаби, ҳар икки томон раҳбарияти тинчлик музокаралари бошлашдан олдин бир-бирларига турли шартлар қўймоқда. Ўз навбатида, бу шартларни биринчи бўлиб бажаришга ҳеч қайси тараф қўл урмаётир. Исроил ҳукумати ҳам, Фаластин раҳбарияти ҳам «Қарс икки қўлдан чиқади», деб топиб айтилган нақлга амал қилишни хоҳлашмаяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Яқин Шарқда тинчлик музокараларини бошлашга кўп уринишлар қилди. Яқинда ҳатто ташкилот Бош котиби Кофи Аннан Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар қилиб, Исроил, Фаластин, шунингдек Миср, Иордания, Ливан раҳбарлари билан учрашди. Араб давлатлари раҳбарлари Кофи Аннан билан бўлган учрашувларда Исроил қўшинларининг араб ерларидан зудлик билан олиб чиқиб кетилиши талабини илгари сурдилар. Бу талаб ўта ҳаққоний бўлиб, яҳудий ҳарбийларининг араб ерларида бўлиб туриши мусулмонларнинг ғазабини келтирмоқда. Шунингдек, Фаластин Мухторияти муқаддас Қуддус шаҳрининг шарқий қисмида яҳудийлар учун турар жойлар қурилишига кескин қаршилик кўрсатмоқда. Албатта, Мухторият Фуқаролари ўз норозиликларини ҳеч қачон фойда бермайдиган усул ˚ зўравонлик ва хунрезлик билан кўрсатмоқдалар. Ислом террорчилари Исроил аскарлари ва яҳудий маҳаллалар аҳолисига кетма-кет ҳужум уюштирмоқда. Бу эса Исроил ҳукуматининг баттар қайсарлигини кўзғамоқда. Бош вазир Беньямин Нетаньяҳу, Исроил қўшини террорчилар ҳаддидан ошган ҳудудни ташлаб чиқиб кетадиган бўлса, у ерлардаги яҳудийларнинг ҳоли нима кечади, деган мулоҳазани илгари сурмоқда. Мантиқан фикрланадиган бўлса, Нетаньяҳунинг бу мулоҳазаси ҳам тўғри. Аммо Фаластин раҳбарияти барча террорчилик ҳоллари Исроил қўшинлари араб ерларидан олиб чиқиб кетилган ва Қуддусда яҳудийлар учун уйлар қурилиши тўхтатилган тақдирдагина бартараф бўлиши мумкин, деб баёнот бермоқда. Фаластин раҳбариятининг даъвоси ҳам тўғри. Кўриниб турибдики, можаролашаётган ҳар икки тараф ҳақли. Фақат икки ўртада ишонч ва ҳамкорлик йўқ. Муроса йўлидан боришга хоҳиш йўқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муроса йўлига сола олмаган Исроил ва Фаластин раҳбарларини Америка Қўшма Штатлари ҳам ақл билан иш тутишга мажбур қила олмади. АҚШ президентининг Яқин Шарқдаги махсус вакили Деннис Росснинг Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяҳу ҳамда Фаластин раҳбари Есир Арафот билан бўлган музокаралари бесамар кетди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, март ойи бошларида Яқин Шарққа расмий ташриф буюрган Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кукнинг Исроил-Фаластин можаросини ҳал этиш йўлидаги уринишлари ҳам фойда бермаган эди. Хуллас, бутун дунё Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши ниятини билдирмоқда. Лекин Исроил ва Фаластинни муросага келтириш ғоят қийин кечмоқда. Худо бу икки давлат раҳбарларининг ўзига инсоф берсин экан.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ,**
**шарҳловчи**

# 14 ЁШЛИ ГРОССМЕЙСТЕР

Яқинда машҳур шахматчи Анатолий Карпов йирик халқаро матчга жўнаши олдидан франциялик ёш шахматчи Этьен Бакро ҳақида тўхталиб, уни келгусида жаҳон чемпионлигига кучли даъвогарлардан бири деб таърифлади. Ўтган йили бу ёш спортчи энг қадимги ўйин ҳисобланадиган — шахмат тарихида биринчи бўлиб энг ёш халқаро гроссмейстер унвонини олди. Ўшанда Этьен бор-йўғи 14 ёшу 2 ойлик эди. Аммо ўшанда ҳеч ким Гиннеснинг рекордлар китобига киришга лойиқ бўлган бу иқтидорли шахматчини ўрнатган рекорди тез орада ўзгартириладй, деб ўйламаган бўлса керак. Украинанинг Кроматорск шаҳрида яшовчи Руслан Понамарёв «коллегаси»нинг натижасини янгилади. У 14 ёшу 17 кунлигида гроссмейстер нормасини бажарди.

Руслан тенгдошлари орасида икки марта Европа чемпиони, 1997 йил ўн саккиз ёшгача бўлган шахматчиларнинг жаҳон чемпионатида биринчиликни эгаллади.

Киевда бўлиб ўтган халқаро турнирда (унда катта ёшдагилар ҳам қатнашган эди) ҳам унга тенг келадиганлар топилмади. Кейинда келаётган шахматчидан икки очко ўзиб, 13 имкониятдан — 10,5 очко тўплади.

Украина шахмат Федерацияси ФИДЕ Президенти Кирсан Ильюмжановга хат йўллаб Русланни (Этьен Бакрони ҳам) жаҳон чемпионатида ўйнашига рухсат беришни сўради. Русланни бу мусобақага лойиқ ўйин кўрсатишини яқинда у иштирок этган йирик халқаро мусобақада бирор марта ҳам мағлубиятга учратмаганлигидан билса бўлади. Ҳолбуки, бу мусобақаларда шахмат оламига яхши таниш бўлган гроссмейстерлардан Ратмир Холмов, Артур Фролов ва бошқалар қатнашган эдилар.

Руслан шундай муваффақиятларга эришган бўлса ҳам кеккайиб кетмаган. Ўртоқлари билан иноқ. Ёмон ўқимайди. Бироқ кўпроқ вақтини севимли машғулотига ажратади. Шахматни етти ёшида отасидан ўрганган. Ҳозир Руслан кўп тахталарда бир неча шахматчи билан бир вақтда доскага қарамасдан сеанслар ўтказаяпти. Натижаси ёмон эмас.

Руслaндан келажакдаги орзулари ҳақида сўралганда «... чемпион бўлиш, ундан кам эмас», — деб жавоб берди болаларга хос дадиллик билан. Орзуинг ушалсин, деймиз биз ҳам.

*Ғалати дунё*

## ИЧГАН БЎЛСАНГ — ВЕЛОСИПЕД ҲАМ МИНМА

Ичган кишининг қонидаги алкоголнинг миқдори 0,8 ҳисса кам бўлган тақдирдагина у рулга ўтириши мумкинлиги ҳамма немисга аён. Бу нарса Нюрнбергли 33 яшар Клауе Р.га ҳам маълум эди. Худди шунинг учун ҳам пивохонага қизининг велосипедини ҳайдаб борди. Бироқ унинг қайтишида полиция уни тўхтатди. Пиёдалар учун мўлжалланган йўлкадан бемаҳалда қари кишининг болалар велосипедини миниб келаётгани уларни ажаблантирганди. Қариянинг қон тартибини ўлчашганида, ундаги алкоголнинг миқдори — 1,77 ҳиссани кўрсатди. Ундан жарима тўлашни талаб қилишди. Дарғазаб бўлган Клаус жарима тўламаслигини чунки у автомобиль ҳайдамаганлигини рўкач қилди. Клаус бекорга жазавага тушди, у ноҳақ эди. Чунки Олмонияда кўпчилик ҳали яхши билмайдиган қонун бор. Унга кўра, қон таркибидаги алкоголь 1,6 дан ортиқ бўлса, киши велосипед ҳайдаши ман этилади.

## КИМНИНГ МАРТАБАСИ УЛУҒ: Унтер офицернингми ё хизматчи итнингми?

Ҳар ҳолда бу нарса қайси маҳкаманинг зобити-ю, кимнинг ити эканлигига боғлиқ. Македониянинг Криволак полигонида ўқув машқларида қатнашаётган ерлик унтер офицерни тўсатдан ётаётган хонасидан чиқариб юбориб, уни палаткага жойлаштиришди. Хонани бўшаттиришга американлик майор аёл келиб, зобитнинг хонасига армия хизматчиси итини жойлаштирди. Маълум бўлишича, ушбу итнинг зобитлик мартабаси полковник даражасида экан.

Барибир бу аҳволдан кўнгли ранжиган зобит Македония қуролли кучлари бош штабига мурожаат қилди. У ерда камситилган зобитга хатини қайтариб олишини... маслаҳат беришди.

## ЯНГИ ТОПИЛМА

Машҳур рус олими Викор Сарианиди раҳбарлигида жанубий Туркманистонда иш олиб бораётган россиялик, италиялик, туркманистонлик археологлардан ташкил топган экспедиция оламшумул янгиликни очди.

Қадимги марғиёнада улар лойдан куйдириб ясалган ўтирган ҳолатдаги одамнинг кичкина ҳайкалчаини топдилар. Ҳайкалча анча яхши сақланиб қолганлигидан одамнинг башараси аниқ билиниб турибди.

В. Сарианидининг гапларига қараганда, бу қадимги кишилар тасвирланган биринчи портрет бўлиб, қадимги туркманларнинг қандай кийим-кечак кийганлари ҳақида маълумот беради. Энг асосийси, ушбу археологик топилма бу макондан уч минг йил аввал цивилизацияли ҳаёт мавжуд бўлганлигидан дарак беради.

## ТАЛАФФУЗИ ПАНД БЕРДИ

Эстониядаги Силламэ шаҳар кенгашининг депутати Юрий Божко суднинг қарорига мувофиқ депутатлик мандатидан маҳрум бўлди. Уни қилган айби давлат тилидан эстонлардек гапира олмаслиги бўлди. Мажлисда ўтирганлар Божкони эстон тилида сўзлашганининг гувоҳи бўлишди, бироқ унинг баъзи сўзларни қийналиб айтиши, айниқса талаффузи «босқинчилар»никига ўхшаб кетиши уларга ёқмади. Бундай талаффузда сўзлаш яхши эмас, дейишди улар. Суднинг қарори қаттиқ бўлса-да, адолатли, дея Божконинг кўнглини кўтаришмоқчи бўлишди унинг оппонентлари.

## АЙҒОҚЧИ ЙЎЛАКЛАР

«Бильд ам зонтаг» немис газетасининг ёзишича, Голландияда йўл ҳаракати қоидабузарларини аниқлайдиган мослама синовдан ўтказилмоқда.

Бу нарса йўлакларнинг икки четидаги тош бордюрларга ўрнатилган электрон датчик бўлиб, тўхташ рухсат этилмаган жойга қўйилган автомобилни ҳисобга олади.

Дастлаб ана шундай тошлар Амстердам шаҳри йўлакларига ўрнатилди. Улардаги бояги сенсор аталмиш қурилмалар қўйиш мумкин бўлмаган жойда тўхтаган машина тўғрисида йўл ҳаракати хизматига дарҳол хабар берадилар.

Хизмат ходимлари айтилган жойга зудлик билан келишади. Машина эгаси 75 доллар миқдорида жарима тўлаши лозим. Агар тажриба ўзини оқласа, электрон айғоқчилар бошқа шаҳарларда ҳам ишга тушадилар.

**Маҳмуд АБДУРАИМОВ.**

# ИМКОНИЯТЛАР БИРЛАШТИРИЛСА

Бугунга келиб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси парки замонавий ҳаво кемалари билан тўлдирилди. «Ўзбекистон» ёзуви битилган А-310 ва «Боинг»лар дунёнинг қарийб ўттиз мамлакатига мунтазам парвоз қилиб, йўловчилар ҳурматини қозонди. Тошкент. Самарқанд, Бухоро, Урганчда аэропортларни барча замонавий талабларга мос равишда қайта таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Эндиликда йирик туризм марказларига республика ичида қатновларни ҳам ғарбда ишлаб чиқарилган RJ-85 самолётлари бажармоқда. Қадимий шаҳарларимизга сайёҳларни жалб этиш ишини янада ривожлантириш учун Москвага қатновларни ҳам замонавий «Шереметьево-1» аэропортига А-310 аэробусларида амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

«Ўзбектуризм» ўз навбатида мамлакатимизда туризм инфраструктурасини ривожлантириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражасини янада юқори кўтариш, янги қизиқарли йўналишларни таклиф этиш, Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий ёдгорликлари ҳақида батафсил маълумот беришни ташкил этиш, халқимизнинг маданияти, урф-одат ва анъаналари билан таништириш борасида атрофлича иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, юртимизга бўлган қизиқиш янада кучайди. Шарқ дурдоналари Самарқанд, Бухоро, Хива, Шарқ юлдузи Тошкент билан танишиш истагида бўлганлар сони ўсди. Табиийки, туризм азал-азалдан даромад манбаи ҳисобланиб келади. Демак, мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар учун барча шарт-шароитни муҳайё қилиш орқали катта миқдорда маблағ ишлаш мумкин.

Чет эллик сайёҳларни Ўзбекистонга жалб этиш бўйича ҳамкорликни кўзловчи дастурни ишлаб чиқиш масалалари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси биргаликда ўтказган кенгашда муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» раҳбари Арслон Рўзметов ва «Ўзбектуризм» раиси Бахтиёр Ҳусанбоев ҳозирга қадар ҳар икки жамоа асосан ўз манфаатларини кўзлаб иш тутишганини қайд этишди. Бу эса, табиийки, ҳеч кимга фойда келтирмади. Аксинча, бозор шароитларида рақобатчиларимиз имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбектуризм» ҳамкорлиги, шубҳасиз, ўз самарасини бера бошлайди. Зеро, ҳар икки жамоа имкониятлари бирлаштирилса, янада самаралироқ меҳнат қилиш мумкинлиги барчага аён.

Кенгашда ҳар икки маҳкама аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳ зиммасига чет эллик сайёҳларни республикамизга жалб этиш ишини янада юқори поғонага кўтаришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, юзага келадиган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш билан шуғулланиш вазифаси юклатилди.

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ**

# Атроф муҳит муҳофазасига бағишланди

Аниқ экологик тадбирлар системасини амалга ошириш мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Республика фуқароларининг соғлом ҳаёт тарзини яратиш, табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 2 апрелда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракат режасининг (лойиҳа) муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Бу лойиҳа Жаҳон Банки молиявий ёрдамида тайёрланган бўлиб, унга Швейцария Конфедерацияси ҳомийлик қилди. Республика ҳукумати қарори билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А. Ш. Ҳабибуллаев бошчилигида Координация қўмитаси ва гуруҳлари тузилди, улар табиат ресурслари, саноат ва транспорт, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 1997 йил март ойида иш бошлаган эдилар. Бу лойиҳа ишлари ниҳоясига етганлиги муносабати билан экспертлар, расмий ходимлар иштирокида муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Жаҳон Банки, «Инфроконсалт» консалтинг фирмаси, Адлия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва стастистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, Ўрмон қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Экосан» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар мутахассислари ва экспертлари иштирок этди. Семинарни Ксения Львовская (Жаҳон банки), Вайс Хайнс («Инфраконсалт» консалтинг фирмаси) кириш сўзлари билан очдилар.

Шундан сўнг муҳокамада гуруҳ раҳбарларидан В. И. Антонов («Сувлойиҳа» института), А. Г. Корнеев (Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги), А. А. Рафиқов (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси), А. Крутов (Жаҳон банки) бажарилган ишлар юзасидан батафсил ҳисобот бердилар. Ҳисобот юзасидан мунозараларда Соғлиқни сақлаш вазирлигидан Т. Искандаров, «Экосан» жамғармасидан Ю. Шодиметов, Осиё ривожланиш Банкидан А. Баранник ва бошқалар қатнашиб, мазкур лойиҳани республика атроф муҳит, экологияни соғломлаштиришда катта аҳамиятини таъкидладилар, уни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар.

Семинар қатнашчилари мазкур лойиҳанинг ўз вақтида тайёрланганлиги, фойдали ва зарур тадбир амалга оширилганлиги, ундан бутун республика аҳолисини ҳабардор қилиш зарурлигини таъкидлаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

**Содиқ МЎМИНОВ**



Австралия тўтиқушлари.

Л.НАРЗУЛЛАЕВ сурат лавҳаси.

# ПАРИШОНХОТИРЛИК ПАНД БЕРДИ

Челябинсклик онанинг паришонхотирлиги ўғлининг ўлимига сабаб бўлди. Воқеа бундай содир бўлди. Бундан бир неча йил аввал ўғит учун фойдаланиш мақсадида сотиб олинган селитрани кампир озиқ-овқат сақланадиган шкафга қўйган. Яқинда у билмай уни туз деб ўйлаб, овқатга солиб юборган. Натижада 45 яшар ўғли «тез ёрдам» етиб келмасданоқ вафот этди. Кампирнинг ўзини докторлар зўрға олиб қолишди.

Кампирнинг хотираси яна панд берди. Ўғлининг кўмиш маросимига келган қариндош-уруғларини ҳам у селитра билан «сийлади». Келганларнинг олтитаси ва кампирнинг ўзи ҳам касалхонанинг реанимация бўлимига тушишди. «Ошпаз кампир» ўғлининг ўлимигаю, қариндошлари ва ўзиинг нима сабабдан касалхонага тушишганини билолмай ҳайрон.

# Марказий Осиё янгиликлари

**БМТнинг Тожикистондаги вакиллари, ҳукумат ва мухолифат томонларининг расмий кишилари республиканинг сўнгги кунларда оловли нуқтаси бўлиб турган Кофарниҳонга боришиб у ердаги вазиятни ўрганишган. Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ кейинги икки кун ичида яна 36 нафар асир озод қилинган. Ҳукумат матбуот вакили Содиқ Бобожоновнинг сўзларига қараганда жами 110 асир бандиликдан қутқарилган.**

* * *

Энг сўнгги маълумотларга қараганда ҳукуматга қарашли ҳарбий қисмларни Кофарниҳондан олиб чиқилиши натижасида бу ердаги вазият нисбатан яхшиланган. Аммо ҳукумат қўшинлари баъзи жиноий тўдалар жойлашган бир нечта қишлоқнинг осойишталигини сақлаш мақсадида ўраб турипти.

* * *

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистон масалалари билан шуғулланувчи вакили Раҳимий жаноблари Ашгабатга ташриф буюрган. У бу ерда бир-бирига қарама-қарши томонларнинг бошлиқлари Раббоний, Масъуд, Дўстим ва толибонларнинг вакиллари билан музокаралар олиб боради.**

* * *

Бу йил ҳаж маросимига Қирғизистондан икки ярим мингга яқин киши жўнаган. Уларнинг орасида қирғиз миллатига мансублар эллик кишини ташкил этади холос. Қолганлари ўзбек, уйғур, дунган ва бошқа миллат вакиллари.

* * *

**Алматида қозоқ нефти саноатининг истиқболларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу йирик анжуманда турли мамлакатларга қарашли 70 концерннинг вакиллари қатнашдилар. Нефтни Европа ва Ҳинд океани регионларига олиб чиқиш мақсадида янги қуриладиган қувур линияларининг турли вариантлари кўриб чиқилди. Ҳозир Қозоғистонда 40 йилга мўлжаллаб ётқизилган чет эл маблағининг умумий ҳажми 70 млрд. долларни ташкил этиб, бу киши бошига ҳисоблаганда ҳамдўстлик мамлакатлари ичида энг юқори кўрсатгич.**

* * *

Қозоғистон Бош вазири Р. Болгинбоев жамбиллик иш ташлаган ишчиларга уч ойлик маошларини тўлашга ваъда берган.

*Газетхон илҳоми*

## ОТА ЎХШАР ҚУЁШГА

*Чиндан ҳам онамиз*
*ой, ота ўхшар қуёшга,*
*Ўшалардир*
*тўйдирган бизни*
*неъмат, нон, ошга.*

*Ўшалардир меҳрини*
*аямасдан ўсдирган,*
*Бизни илмли қилган*
*ташвиш*
*келтирмай бошга.*

*Касал бўлсак кўп*
*жойда даволатди*
*эринмай,*
*Улар эга бўлган-чун*
*сабр, чидам,*
*бардошга.*

*Хатонинг жазоси*
*бор, лекин улар*
*кечирар,*
*Чиндан ҳам онамиз*
*ой, ота ўхшар*
*қуёшга.*

## АҚЛ КАМ

Биринчи ёрни қўлдан берганларда ақл кам,
Бошқаси билан бирга турганларда ақл кам.

Эси борлар ҳеч қачон адашмайди йўлидан,
Ҳаёсиз билан суҳбат қурганларда ақл кам.

Эру хотин - қўш ҳўкиз, бир-бирига мададкор,
Якка яшашни афзал кўрганларда ақл кам.

Тўра, бола-чақаси, хотинини хор қилиб,
Ўзга билан кайф-сафо сурганларда ақл кам.

## АЙТИШ ҚИЙИН ИНСОН ДЕБ

Қаноатсиз уялмай ҳар ён чопади нон деб,
Бировларга ялинар қарашгин қадрдон деб.

Егулиги бўлса-да, ҳолим оғир деб айтар,
Кимки нарса бермаса, жар солади ёмон деб.

Қаноатсиз ўзини шарманда қилиб юрса,
Қаноатли тинчгина уйида яшар жон деб.

Ҳақиқий одамлардир сабр-бардоши борлар,
Тўра, сабрсизларни айтиш қийин инсон деб.

**Тўра ЖУМАН.**

Газетамизнинг навбатдаги сони 5 апрелда чиқади.


## «ПГС» ФИРМАСИ

**Қуйидагиларни сотади:**

***САУНАЛАР учун махсус даволаш ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ***

***КИЧИК НОНВОЙХОНАЛАР (4 хилдаги: 160, 80, 32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга)***

***ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР - иситгичлар;***

***ХАМИР ҚОРГИЧЛАР;***

***ДУДЛАШ ВА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ;***

***ДИСТИЛЛЯТОРЛАР;***

***САНОАТ ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов метро бекати. Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54**



Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-19, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи:* 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«ШАРҚ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21. 00

Буюртма Г— 011147. Нусхаси — 24.738. Масъул навбатчи: Холхўжа МИРЗАЕВ 1 2 3 4 5 6